БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 93 (584)

12 МАЙ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонун проекти совет кишилари тўғрисидаги буюк ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир



Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР Министрлар Советининг Давлат пенсиялари ҳақидаги Қонун проектини зўр қувонч билан кутиб олдилар. **Суратда:** давлат муассасаларида 20 йилдан ортиқ хизмат қилган пенсионерлардан КПСС аъзоси **К. Нишонова** (чапда) ва **Н. Сеславина** ўртоқлар Давлат пенсиялари ҳақидаги Қонун проекти билан танишмоқдалар.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

*

Қалб қувончлари

Навоий номли халқ кутубхонасининг ходимлари Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонун проектини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Улар кексайиб қолган, кимсасиз ёки бирор сабабларга кўра меҳнат қобилиятини йўқотган кишиларнинг ортанги кунининг тўла таъминланганлигини чуқур ҳис қилмоқдалар. Ҳақиқатан бизда халқ бахти-саодати йўлида хизмат қилаётган ҳар бир граждан партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрликлари билан қуршаб олингандир.

— Партия ва ҳукуматимизнинг сўзи билан иши бирдир, — дейди хурсандлик билан кутубхонанинг илмий ходими Евгения Челнокова, — йигирманчи съезд бўлиб ўтганидан бери ниҳояти 3 ойга яқин вақт ўтди. Лекин бу қисқа муддат ичида съезд кўрсатмаларига асосан меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмушини янада яхшилашга, колхозлар экономикасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим амалий тадбирлар кўрилди. Мана энди Давлат пенсиялари тўғрисида Қонун проекти эълон қилинди. Ёшим 66 га борди, кутубхона соҳасида 35 йилдан бери ишлаб келмоқдаман. Эртанги кунимдаги тирикчилигимнинг тўла таъминланганлиги яққол кўриниб турган бир пайтда кексайиб қолсам ҳам имкониятим борича халқимга, она-Ватанимга хизмат қилишдан бошқа ниятим йўқ.

Шу кутубхонада 30 йилдан бери хизмат қилувчи 55 яшар Рима Ароновна Резник бундай деди:

— Айрим одамлар менга Давлат пенсиялари тўғрисида чиқариладиган Қонунга мувофиқ ойига 600 сўмдан ортиқ олар экансиз, бир ўзингизга етади, энди ишламасангиз ҳам бўлади демоқдалар. Бу гап тўғри, мен хурсандман. Лекин мен меҳнатсиз тириши тасаввур қила олмайман. Кексалигим ҳурмат қилинар экан, эртанги куним таъминланган экан, бу ғамхўрликка жавобан имконим борича халқим учун ишлайман.

Бундай юрак сўзларини кутубхонанинг З. Шилова, К. Вилковская, С. Герина, П. Голованова каби кекса ходимларидан ҳам эшитасиз. Улар китобхонларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга бел боғлаганлар.

Иқтисодий билимларни пухта ўрганайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди совет халқи олдига коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини қўйди. Партиямиз XX съезди оғир индустрия негизида халқ хўжалигимиз барча тармоқларини янада юксалтиришнинг амалий йўлларини кўрсатиб берди.

Коммунистик партия томонидан совет халқи олдига қўйилган хўжалик ва маданий қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақият билан бажариш учун, саноатни, қишлоқ хўжалигини янада тинмай юксалтириш учун умумхалқ ҳаракати кучайиб кетган ҳозирги шароитда марксизм-ленинизмнинг иқтисодий таълимоти, ишлаб чиқаришнинг конкрет экономикасини ўрганиш масаласи биринчи ўринга қўйилмоқда. Чунки, иқтисодий билимларни, саноат ва қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикасини чуқур билмасдан туриб, ҳозирги кунда хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиб бўлмайди.

Кадрларимизни иқтисодий билимлар билан, партия, хўжалик сиёсатининг илмий асослари билан қуроллантириш хўжаликка раҳбарлик қилиш даражасини оширишга ёрдам беради, ҳар бир корхона, колхоз, МТС ва совхозда ишланган. Нима учун Свердлов номли колхозда кўп меҳнат куни сарфланган? Бунинг сабаби шундаки, колхозда планлаштириш ва нормалаштириш тўғри уюштирилмаган, механизациядан етарли фойдаланилмаган, ишни планлаштиришда ҳар бир далачилик бригадасида гўза парваришини механизациялаш даражаси ҳисобга олинмаган. Шунингдек, трактор ишларининг ортиқча бўлиб кетиши ҳам харажатларни кўпайтириб юборган. Свердлов номли колхозда колхозни бошқариш ва хизмат кўрсатиш аппаратининг катта бўлиб кетиши, минерал ўғитлар, ёқилғи ва бошқа материалларни сарфлашда хўжасизликка йўл қўйилганлиги натижасида ҳам маҳсулот таннархига салбий таъсир этадиган ортиқча харажатларга йўл қўйилган.

Яқинда Ўрта сарой, Оққўрғон районларида иқтисодий конференция бўлиб ўтди. Бу конференцияларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш масалалари кенг муҳокама қилинди ва маҳсулот таннархини камайтириш йўллари белгиланди. Ўрта сарой район колхозларида пахта етиштиришнинг механизация даражасига қараб, бу йил ҳар бир центнер пахта учун ўрта ҳисобда 3,5-5 меҳнат куни сарфлаш планлаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда колхоз ва совхозларимиз далаларида гўзани парвариш қилиш бошланиб кетди. Меҳнат кунларини иқтисод қилиш, ортиқча харажатларни камайтириш, маъмурий аппаратни қисқартириш, ишлаб чиқариш бригадаларини ихчамлаштириш—ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси, механизатор, колхоз ва совхоз раҳбарларининг диққат марказида бўлиши керак. Шундай қилингандагина колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, колхозчилар моддий ва маданий фаровонлигини янада яхшилаш мумкин.

Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш—колхоз экономикасининг энг муҳим ва мураккаб масаласидир. Ҳар бир колхоз ўзи эришган муваффақиятлар ва имкониятлар даражасига қараб, колхозчиларга ҳар ойда аванс бериб туриш ва меҳнатга қўшимча ҳақ тўлашни ташкил этиши керак. Аванс беришда артелнинг жамоат хўжалигининг ривожланиши манфаатлари колхозчилар манфаатига мос келсин. Колхознинг даромад ва харажатларини, пул ва меҳнат харажатларини пухта ҳисобга олиш масалани тўғри ҳал этиш имкониятини беради.

Партиянинг доно коллективлаш сиёсати натижасида колхозлар қудратли хўжаликка айландилар. Ҳозирги кунда колхозлар жуда катта пул маблағларига эгадирлар. Кўпчилик қишлоқ хўжалик артеллари миллионер колхозлар даражасига етдилар. Уларнинг бўлинмас фондлари ошиб бормоқда, капитал қурилиш учун ажратиладиган маблағлари кўпаймоқда. Колхозларнинг ана шу катта маблағларини жой-жойига сарфлай билиш керак.

Шунинг учун ҳам колхоз раҳбарлари иқтисодий билимларни, конкрет экономикани пухта эгаллашлари, ҳисоблашни ўрганишлари керак. Район партия комитетлари колхоз кадрларининг иқтисодий билимларни эгаллаб олишларига ёрдам беришлари зарур. Районларда иқтисодий конференциялар ўтказиш, колхоз экономикаси масалалари юзасидан семинарлар ташкил этиш керак. Колхоз экономикаси юзасидан ташкил этилган конференция ва семинарларда асосий эътиборни қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикасини пухта ўрганиб олишга қаратмоқ керак.

Партия ташкилотларининг муҳим вазифаси—саноат корхоналарида, колхоз, МТС ва совхозларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикасини ўрганишни таъминлаш учун бутун имкониятлардан фойдаланиш, сиёсий иқтисодни ўрганиш машғулотлари, шунингдек иқтисодий конференциялар, семинарлар, лекциялар ўтказиш йўли билан кадрларга иқтисодий билимларни эгаллаб олишда ёрдам бериш иборат. Партия кутубхоналари ва техника кутубхоналарининг ишини тубдан яхшилаш керак.

Кадрларга иқтисодий билимларни ўргатиш билан бирга уларнинг хўжалик ва маданий қурилишга пухта ва ишни кўзини билиб, малакали раҳбарлик қилишларига ҳам эришиш коммунизм қурилишининг партиямиз XX съезди томонидан қўйилган буюк вазифаларини шараф билан бажариш имкониятини беради.

СССР ва Югославия фильмлари фестивали

СССР Маданият министрлиги 28 майдан 3 июньгача мамлакатимизда Югославия кинофильмлари фестивалини ташкил этади. Фестиваль Москвада, Ленинградда ва иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ўтказилади.

Фестиваль кунларида совет томошабинлари Югославияда яратилган бешта янги бадиий кинокартина билан танишадилар. Улар фашистлар оккупацияси йилларида Белграддаги яширин ташкилотнинг фаолияти тўғрисидаги «Қувғин» фильмини кўрадилар. «Улар икки киши эди» деган картинада ҳам ўша даврдаги воқеа тасвирланади. Бу фильм югославиялик деҳқонлар тўғрисида, ҳаётда тўғри йўлни топиб олишга ёрдам берадиган дўстлик ҳақида ҳикоя қилинади. С. Чоровичнинг «Стоян Мутикашча» номли романи асосида ишланган «Ҳазон қилинган умрлар» фильмида капиталистик жамиятда пулнинг бузуқлик кучини, бойлик орқасидан қувиб ҳалоқ бўлган олдий бир қишлоқи йигитнинг қисмати кўрсатилади.

Томошабинлар югославиялик драматург Б. Нушичнинг «Шубҳали шахс» комедиясини кўрадилар. Бу комедияда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошидаги Сербия вилоят чиновникларининг урф-одатлари фош қилинади. «Қиз ва ўғил» кинокартинаси деҳқон қизининг қисмати ва фожиали муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.

Югославиянинг бир неча хроника ва илмий оммабоп фильмлари ҳам кўрсатилади.

Фестиваль муносабати билан Югославия кино ходимлари делегациясининг Совет Иттифоқига келиши кутилади. (ТАСС).

ГДР Халқ палатаси делегациясининг СССРда бўлиши

ТБИЛИСИ, 10 май. (ТАСС). Германия Республикаси Халқ палатаси аъзоларидан Грузияда меҳмон бўлиб турган бир группаси бугун Тбилисидан Москвага жўнаб кетди.

Аэродромда меҳмонларни Грузия ССР Олий Советининг раиси В. Д. Купрадзе, Грузия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. И. Кучава, министрлар, ССР Олий Советининг ва Грузия ССР Олий Советининг депутатлари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари қузатиб қолдилар.

Грузия ССР Олий Советининг раиси В. Д. Купрадзе Грузияга келганликлари учун делегация аъзоларига ташаккур изҳор қилди ва уларнинг Совет Иттифоқи бўйлаб қиладиган саёҳатларининг ҳурсандчилик билан давом этдиришларини тилади.

Ижтимоий фанлардан дарс берувчиларнинг кенгаши

ФРУНЗЕ, 10 май. (ТАСС). Ижтимоий фанлардан дарс берувчиларнинг Қирғизистон КП Марказий Комитети чақирган республика кенгаши тамом бўлди. Кенгашда ахборот берган марксизм-ленинизм асослари, философия ва сиёсий иқтисод кафедраларининг раҳбарлари партия XX съезди-нинг талаблари нуқтаи назарларидан ўз кафедраларининг ишини қайтадан қуриш тўғрисида сўзлаб бердилар.

Олий ўқув юртларининг илмий-текшириш ишларини яхшилаш юзасидан таклифлар киритилди.

Шарафли кексалик

Биз, қариялар бор кучимизни халқ хизмати йўлида, бола-чақаларимизни ақлли, меҳнатсевар, халқпарвар ва Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш ишига сарфламоқдамиз. Бизга нисбатан кўпчиликнинг ҳурмати ошиб бораётганлиги кўнглимизнинг қариишига йўл қўймаётир. Инсонни ҳурматлаш, айниқса қарияларни сийлаш энг олижаноб фазилат.

Менинг болалик ва йигитлик даврим чор Россияси даврида ўтди. Тўрт ўғил ва беш қизни боқишга қийналаётган косиб отамнинг муккайиб олиб тонг қоронғусидан тун ярмигача пудратчининг заказини тикиши юракларимни эзиб юборар эди. Шунинг учун ҳам мен 9 ёшимданоқ отамнинг ёнига кириб ишлай бошладим. Чехов айтганидек, менинг болалигим тиш ўргитгидек азобда ўтди. Қари ва кўп болали отамга нафақа бериш у ёқда турсин уни ҳамма амалдорлар хўрлар, бор буд-шудини шилиб олар, яна меҳнатимизни ҳақорат қилар эдилар.

Шу алпозда мен 21 йил, яъни 1917 йилгача косиб сифатида ишлаб келдим. Социалистик революция, Совет ҳукумати миллионлар қатори бизнинг оиламизга ҳам чинакам бахт келтирди. Энди бизнинг меҳнатимиз юксак қадрланадиган, ўз халқимиз ва ўзимиз учун ишлайдиган бўлдик. Мана шу буюк адолат бизнинг қалбимизни Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига нисбатан ҳурмат билан тўлдириб юборди. 70 ёшда ёруғлиққа чиққан отам ҳам, акаукаларим ва сингилларим ҳам — ҳаммамиз халқ хўжалигини ривожлантириш учун завқ-шавқ билан ишлай бошладик. Ҳозир ёшим 68 га етди, лекин меҳнатдан четлашганим йўқ, ўз севган касбимда ёшлар билан мусобақалашиб, қўлимдан келганича ишлаб турибман. Совет ҳукумати даврида бир неча Мақтов қоғози, Фахрий ёрлиқлар, қанчадан-қанча рақматнома ва мукофотлар олдим. Отам камбағаллик орқасида бизни ўқита олмаган бўлса, менинг ўғил-қизларим, невараларим ўқимишли бўлиб етишди.

Бу — бир менинг қисқача тарихим, мендакалар мамлакатимизда минглаб-минглаб топилади. Биз Партия ва Ҳукумат томонидан чексиз ҳурмат кўрмоқдамиз. Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонун проекти ҳам бу ҳурматнинг ёрқин намунасидир. Бу ҳужжат партия ва ҳукуматимизга нисбатан фақат қарияларнигина эмас, балки бутун совет халқининг муҳаббатини яна минг бор ошириб юборди.

П. ЕЛИСЕЕВ,
Тошкентдаги кўн-пойафзал фабрикаси пойафзал цехининг бракер-приёмчиси.

Шоферларга хақ тўлашнинг янги тартиби

Бизнинг колхозимизда шоферларга ҳақ тўлаш то 1955 йилгача бузилиб келган эди. Шоферларнинг кунига бажарган ишларидан қатъий назар уларнинг ҳар бирига иккитадан меҳнат куни ёзилиб келинган. Айрим кунларда эса шоферлар ишламаган бўлсалар ҳам ёки машинадан максимал даражада фойдаланилмаган бўлса ҳам ана шу меҳнат куни ёзила берган.

Шоферларга ана шундай ҳақ тўлаш колхоздаги мавжуд машиналардан максимал даражада фойдаланиш имкониятини бермади. Шунингдек колхознинг кўплаб пули бекорга сарф бўлиб, катта зарар кўрди.

Ана шуни ҳисобга олган колхоз правлениеси ўтган йилнинг бошларида шоферларга ҳақ тўлашнинг янги тартибини ишлаб чиқди. Унда кунлик норма ташилган юкнинг тонна-километр ҳисобида белгиланди. Масалан, минерал ўғитни икки километрга олиб бориш учун кунлик норма 72 тонна-километрга белгиланган. Ташиб келтирилган ҳар бир тонна юк учун 0,034 меҳнат куни бериладиган бўлди. Агар шофер белгиланган ана шу нормани бажарса, у кунига 20 мартаба рейс қилиб 2,48 меҳнат куни ишлаган бўлади.

Пахта ташишда эса ана шундай масофага 28 тонна-километр норма белгиланди. Бунда ташиган ҳар тонна юк учун 0,08 меҳнат куни ёзилади. Агар ёқилғи тежалса унда 39 тонна-километр мўлжалланган.

Колхозимизда белгиланган ана шу нормаларнинг бажарилиши қаттиқ контроль остига олинган. Йўл путёвкаларининг тўлдирилишига алоҳида аҳамият берилиб, шоферлардан уларни тўғри тўлдириш талаб этилмоқда.

Қўшимча кузов билан машина ҳайдайдиган шоферларга қўшимча ҳақ тўлаш, ёқилғи, резиналарни иқтисод қилувчи шоферларга мукофот бериш йўлга қўйилди. Агар ҳеч қандай сабабсиз машина бекор турғизиб қўйилса, ёки белгиланган нормани шофер бажармаса у ҳолда уларнинг иш ҳақларидан ушлаб қолинадиган бўлди. Колхозимизда кўрилган ана шу тадбирлар туфайли шоферларнинг иш унуми анча ошиб, юк ташиш ишлари бир мунча тезлашди. Илгарилари самосвалда ишлайдиган шоферлар жуда яхши ишлаганларида 14 километрли масофага кунига 5—6 мартаба қатнаб, икки меҳнат куни ишлардилар. Янги қоида жорий қилингандан сўнг эса кунига 14—15 мартага етказиб қатнайдиган бўлдилар.

Илгарилари заготзернодан юк ташиб келтириш ишлари қониқарсиз аҳволда эди. У ерда меҳнат яхши ташкил қилингандан кейин эса бу соҳада катта ўзгариш бўлди, яъни меҳнат унумдорлиги 3 баравар ошди.

Шоферлар ҳам ўз машиналарига меҳр-муҳаббат билан қарай бошладилар. Улар белгиланган кунлик нормаларини тўла ва ошириб бажариш учун иш соатларидан унумли фойдаланадиган бўлдилар. Айниқса ўтган йили шоферлардан Григорий Назадаев, Василий Мельников ва Усмон Раҳмонбердиев ўртоқлар фидокорлик билан меҳнат қилиб 650—750 тадан меҳнат куни ишлашга муваффақ бўлдилар.

Ҳақ тўлашнинг бу янги тартиби колхоз маблағини кўплаб тежаш имкониятини туғдирди.

И. БЕЗДЕТНИЙ,
Сирдарё районидаги «XVIII партконференция» колхозининг раиси.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йили—1956 йил планини муддатидан илгари бажарамиз

Тошкентдаги саноат корхоналари ва транспорт ходимларининг шаҳар кенгашидан

Яқинда Тельман номли Маданият ва истироҳат паркида Тошкентдаги саноат корхоналари ва транспорт ходимларининг умум шаҳар кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга пойтахт саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлари, хўжалик ва партия ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда партия ва совет ташкилотларининг ходимлари иштирок этди. Кенгаш қатнашчилари шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Сазоновнинг** «Шаҳар саноати ва транспорти ходимларининг май олди мусобақасининг якунлари ва 1956 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кучайтириб юборишга тадбирлари» тўғрисидаги докладини тинглаб, уни кенг муҳокама қилдилар. Муҳокамада «Ташгазаппром» ташкилотининг бошлиғи **Ю. Ахмедов**, «Ташсельэлектромонтаж» трест

КАДРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ БИЛИМИНИ ТИНМАЙ ОШИРАЙЛИК

Хўжаликка малакали раҳбарлик қилишнинг гарови

Тошкентдаги қоғоз фабрикасининг директори ўртоқ И. В. СТРАХОВ билан суҳбат

Коммунистик партия кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга катта эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва партия XX съезди қарорларида партия ташкилотлари зиммасига барча ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимларнинг иқтисодий билимини янада ошириш, уларнинг конкрет экономикани чуқур ва атрофлича ўрганишини ташкил қилиш вазифаси юклатилди.

Фабрикамиз партия ташкилоти ҳам бу кўрсатмага амал қилган ҳолда бир қанча ташкилий тадбирлар белгилади ва уларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

1955 йилгача фабрика давлат планини миқдор, сифат кўрсаткичлари бўйича бажарса ҳам, маҳсулот таннархини камайтириш, жамғарма бериш юзасидан ишимизнинг масаси йўқ эди, чунки ходимларнинг кўпи корхонанинг конкрет экономикасини, маҳсулотнинг таннархини камайтириш йўлларини билмас, партия ташкилоти ҳам, дирекция ҳам бунга унчалик эътибор бермас эди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан сўнг фабрикада инженер-техник ходимларнинг иқтисодий билимини ошириш мақсадида назарий семинар ташкил этилди. Лекцияларни ўқиш учун иқтисод фанлари кандидатлари Н. В. Князев ва П. А. Филатов ўртоқлар жалб этилди.

Семинар планига «Корхона ва цехда хозрасчетни жорий қилиш», «Социалистик корхоналарда баланс ва унинг таркибий қисмлари», «Меҳнатни ва маошни ҳисобга олиш» каби темалар киритилган. Семинар машғулотларига олий, махсус ўрта ва ўрта маълумотга эга бўлган ишлаб чиқариш командирларидан 44 киши қатнашмоқда. Партия ташкилоти семинар фаолиятини жонлантириш, ҳар бир темадаги лекциянинг корхона ҳаётидан олинган конкрет мисоллар билан бойитилиши тўғрисида қайғирмоқда. Шунинг учун ҳам семинар машғулотлари жуда катта фойда келтирмоқда. «Меҳнат, моаш ва уларни нормалаштириш», «Техпромфинплан ва унинг ишлаб чиқариш процессидаги ташкилотчилик роли» каби темаларда ўқилган лекциялар кизғин диспутга айланиб кетди. Шу пайттача ўтказилган машғулотларнинг ўзи ҳам ходимларимизнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатини анча ўзгартирди, улар ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қиладиган бўлиб қолдилар.

Мастерлар ва цех бошлиқларининг иқтисодий билимини ошириш, уларни ҳомашё ва бошқа ресурсларни тежаб-тергаб ишлатишга ўргатиш, имкони борича кам куч ва маблағ сарфлаб маҳсулот олишни кўпайтириш техникасига эга қилиш бизнинг диққат марказимизда турган масаладир. Фабрикадаги ҳамма мастер ва цех бошлиқлари ўзаро тажриба алмашиш юзасидан ташкил қилинган алоҳида семинарга жалб этилган. Бу семинарда конкрет бир участканинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари анализ қилинади, шу участка мастерининг фаолиятидаги ҳарактерли ижобий тажрибалар умумлантирилиб, камчиликлар кўрсатилади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси яхши самара бермоқда. Ходимларимиз энди аввалгига қараганда кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатиб ишлайдиган бўлиб қолдилар. Маҳсулот сифатини яхшилаш, тола, электр энергияси ва ёқилғини тежаш соҳасида жуда катта ютуққа эришдик. 1932 йилдан бери биринчи марта 1955 йили қоғозни ивитишга нобуд бўладиган тола миқдори белгиланганидан анча камайтирилди. Бу йил ҳам ҳар ойда кўплаб толани сақлаб қолмоқдамиз. Маҳсулот таннархини камайтириш ва маош фондининг ўзидан ўтган кварталда бир неча юз минг сўм иқтисод қилинди. Тўрт ой мобайнида меҳнат унумдорлиги белгиланганидан 8 процент, маҳсулот ишлаб чиқариш 10 процентга яқин кўпайтирилди. Фақат апрель ойининг ўзида қўшимча равишда 100 тонна қоғоз етказиб берилди. Йил бошидан буён маҳсулот таннархи 7,1 процент камайтирилди.

Фабрика маъмурияти ва партия ташкилоти фақат ишлаб чиқариш командирларининггина иқтисодий билимини ошириш билан жиддий ғалабага эришиб бўлмаслигини англаган ҳолда барча ишчи ва хизматчиларнинг ҳам иқтисодий билимини ошириш юзасидан бирмунча ишлар қилмоқдалар. Улар учун оммабоп темаларда лекциялар ташкил этилмоқда, тушунтириш ишлари кенг равишда олиб борилаётир.

Конкрет экономика билан жиддий шуғулланишнинг, ходимларнинг иқтисодий билими ва малакасини оширишнинг ана шундай самараларидан руҳланган фабрика коллективи бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш учун интилмоқда.

«Партия ташкилотлари хўжалик қурилишига конкрет раҳбарлик қилиш масалаларига кескин равишда бурилишлари, саноат корхоналарининг, колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ишларига ишнинг кўзини яхши билиб раҳбарлик қилмоқ учун уларнинг техникаси ва экономикасини ўрганишни кучайтиришлари лозим».

(КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг резолюциясидан).

Конкрет экономикани ўрганиш семинарида

Семинар раҳбари Борис Григорьевич Жмакининг «Фабрика ва цехда хўжалик ҳисоби» деган навбатдаги лекцияси анча қизиқарли ўтди. Лекцияга бўлим ва цех бошлиқлари, смена мастерларидан 32 киши қатнашди.

Ўртоқ Жмакин фабрика ва цехларда хўжалик ҳисобининг тўғри йўлга қўйилиши коллектив олдига қўйилган хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг асосий гарови эканлигини алоҳида таъкидлади.

Кейинги 4 йил ичида фабрика коллективи самарали ишлади, меҳнат унумдорлиги анча ошди. 1952 йилда фабрикада ҳар бир ишчи ўртача 89,62 тоннадан маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1955 йилда 105,92 тоннадан маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Бу эса маҳсулот таннархини анча камайтириб, ҳомашёни кўп миқдорда тежаш имконини берди. Шу вақт ичида коллектив 122,4 тонна пахтани тежашга муваффақ бўлди.

Хўжалик ҳисобининг асосий ютуғи топширилган планни бажаришга, ҳомашёни, ишлаб чиқаришга сарфланадиган материалларни тежаб-тергаб сарфлашга ҳартомонлама боғлиқдир. Бу ҳақда пропагандист цехлар ҳаётидан кўп мисоллар келтирди, айрим фактларни анализ қилиб берди.

Яқинда навбатдаги семинар машғулоти бўлди. Машғулотга тингловчиларнинг ҳаммаси қатнашди. «Хўжалик ҳисоби ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?», «Хўжалик ҳисобининг формалари», «Ташкилотларнинг хўжалик ҳисобидаги асосий белгилари» ва бошқа кўпгина саволлар ўртага ташланди.

Тингловчилар ўртоқ Жмакин томонидан берилган саволларга қониқарли жавоб беришга ҳаракат қилар эдилар. Фабрика ишлаб чиқариш бўлимининг мудири ўртоқ Н. Кузнецов биринчи бўлиб сўзга чиқди.

— Фабрика ва цех ўз хўжалик ҳисобига яшаши учун, — деди у, — аввало ўша цех ёки фабрикадаги ҳарбир ишчи социалистик мусобақада актив қатнашиб, иш унумини ошириши керак. У доимо қўшимча фойда беришга ўрганмоғи лозим. Лекин бу соҳада анча камчилигимиз бор. Масалан, ип йигирув цехини олайлик. Бу ерда социалистик мусобақа кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Айрим ишчилар смена нормасини бажармайдилар. Цехда ускуна ва дастгоҳларни кузатиб туриш, тоза сақлаш кўнгилдагидек эмас. Айрим ҳолларда маҳсулот сифатсиз ишлаб чиқарилмоқда, ингичка калава ини узилиб қолмоқда. Биргина кейинги ойнинг ўзида пландан ташқари 75 минг сўмга яқин харажат қилинди. Тола ажратиш цехида барабанларнинг яхши ишлашига эришилмаганлиги сабабли 336 килограмм пахтанинг ортиқча чиқинди бўлишига йўл қўйилди. Бу ҳолга цех бошлиқлари, смена мастерлари бефарқ қарамоқдалар.

— Цехнинг муваффақияти, — деди цех бошлиғи ўртоқ М. Рябинина, — машиналарнинг унумли ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аммо бизда ҳалигача ремонт ишлари яхши йўлга қўйилгани йўқ. Машиналар ўз вақтида ремонт қилинмайди. Ремонтнинг сифати паст.

Тингловчилар семинар раҳбари томонидан берилган саволларга жавоб бериш билан кифояланиб қолмай, ўз ўртоқларининг сўзларига қўшимчалар қилиб тўлдириб ҳам турдилар. Нормировшчик Б. Шабанов, лаборатория мудири П. Лацман ва бошқа ўртоқлар семинарда ўртага ташлаган саволларни ечишда актив қатнашдилар.

Семинар қатнашчилари машғулотга ишлаб чиқаришни пухта ўрганиб, яхши тайёргарлик кўриб келганликлари маълум бўлди. Улар темага боғлиқ бўлган кўпгина адабиётларни ўқиб чиққанлар. Шунинг учун ҳам улар гапирган вақтда назария билан ишлаб чиқариш практикасини бирбирига тўғри боғлайдилар.

КПСС XX съезди қарорларини бажариш учун курашаётган фабрика коллективи 1956 йил планини 5 декабргача бажариш ва 15 тонна пахтани тежаш мажбуриятини олди. Фабрикада меҳнат унумдорлигини ошириш, ускуналардан унумли фойдаланиш ва тежалган пахта ҳисобига қўшимча равишда 11 тонна ип ишлаб чиқариш юзасидан социалистик мусобақа кучайтирилмоқда. Фабрика ишчилари ва инженер-техник ходимлари бу йил ишлаб чиқаришга камида юзта рационализаторлик таклифини жорий қилиш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш йўли билан давлатнинг ярим миллион сўм маблағини тежаш мажбуриятини олдилар.

Бу вазифаларнинг муваффақият билан бажарилиши кадрларнинг ишлаб чиқариш экономикасини яхши билиб олишларига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Кадрлар экономикани пухта ўрганган сари ишда ютуқлар кўп бўлаверади. Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-нчи ип-йигирув фабрикасида ташкил қилинган конкрет экономикани ўрганиш семинарида машғулотлар тингловчиларнинг зўр активлиги билан ўтмоқда. Тингловчилар «Халқ хўжалигини планлаштириш», «Ишлабчиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари» ҳақидаги лекциялардан ҳам кўп нарсани ўрганиб олдилар.

Семинар машғулотлари кадрларга цех, смена ва бригадаларга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишларида яхши ёрдам бермоқда.

М. ҒОЗИЕВ.

Район активлари ўқимоқдалар

Орҳоникидзе районининг экономикасида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат ҳам катта салмоққа эга. Район партия комитети район хўжалигини янада юксалтириш тадбирларини кўрмоқда. Бу соҳада қишлоқ хўжалиги ва саноат ходимларига иқтисодий билимларни ўргатиш юзасидан кўрилаётган чоралар айниқса диққатга сазовордир.

Қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш юзасидан ташкил қилинган назарий семинарга колхоз раислари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, МТС раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва партия, совет активидан 70 дан ортиқ киши жалб этилган.

Семинар қатнашчилари билан «Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш йўллари», «Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш вазифалари», «Колхоз ва совхозларда картошка, сабзавот етиштиришни кўпайтириш чоралари» каби темаларда машғулотлар ўтказилди.

Семинар машғулотларини ўтказишга қишлоқ хўжалик мутахассислари, илмий ходимлар жалб этилган.

Шунингдек саноат экономикасини ўрганиш юзасидан ташкил қилинган семинарларда ҳам машғулотлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Кам меҳнат сарфлаб, кўп ҳосил олайлик

Ж. НАСРУЛЛАЕВ, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхознинг агрономи

Колхозимиз ўтган йиллари районда энг қолоқ, иқтисодий жиҳатдан заиф хўжалик ҳисобланар эди. Бунинг сабаби шундан иборат эдики, колхоз раҳбарлари хўжаликка ишнинг кўзини билиб эмас, балки «умуман раҳбарлик» қилиб келдилар. Улар колхоз экономикасини кўтариш учун хўжаликдан кўпроқ даромад олиш, яъни оз меҳнат сарфлаб, кўп ва арзон маҳсулот олиш йўлларини тониш лозимлигига тушиниб етмадилар. Бунинг оқибати яхши бўлмади. Етиштирилаётган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи қимматлашиб, колхоз хўжаликдан кам даромад олиб келди. Меҳнат кунининг қиммати камайиб кетди.

Масалан, 1954 йили бир гектар ерга 280 та меҳнат сарфланиб, 18,9 центнердан ҳосил олинган эди. Бунда бир центнер пахта етиштириш учун сарфланган меҳнат куни 9,6 таданга тўғри келади. Колхозчиларнинг меҳнат кунларига 3 сўм 87 тийиндан пул ва 1,5 килограммдан дон тақсимланди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумидан кейин колхоз экономикасини кўтариш ҳақида жиддий ўйлаб кўришга тўғри келди. Бунинг учун, даставвал, колхозни малакали раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш талаб этилар эди, чунки колхоз ишлаб чиқариши тобора мураккаблашиб бораётган, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ҳосилни ошириш йўллари ҳам турли-туман бўлиб кетаётган эди.

Район партия комитети агроном ўртоқ Йўлдош Ҳожиматовни колхоз правлениесининг раислигига тавсия этди. Колхозчилар уни раисликка сайладилар. Колхоз бошланғич партия ташкилоти бригада ва звено бошлиқлари вазифасига ишнинг кўзини биладиган, кўпчиликнинг манфаатини назарда тутиб ишлайдиган жонкуяр кишиларни тайинлашга катта эътибор берди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти асосий эътиборни пахта ҳосилини ошириш, кам меҳнат сарфлаб, кўп ва арзон маҳсулот олишга қаратди. Бунинг учун илғор агротехника қоидаларини кенг жорий қилиш, пахтачиликда қўл меҳнатини камайтириш, меҳнат сарфлашда иқтисод қилиш режимига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Биз амалда ана шундай қилмоқдамиз.

Ўтган йили 150 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди. Ғўзага трактор билан икки томонлама ишлов берилди. 720 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 21 центнердан ҳосил олинди. Ҳар гектар ерга ўрта ҳисоб билан 156 тадан, бир центнер пахта етиштириш учун эса 7,4 меҳнат куни сарфланди. Ҳосил гектар бошига 1954 йилдагига нисбатан 2,1 центнердан ошиб, бир центнер пахта етиштириш учун 2,4 тадан, умуман пахтачиликка 27199 та меҳнат куни кам сарфланди. Колхознинг даромади кўпайиб, колхозчилар меҳнат кунининг қиммати ошди. Ҳар бир меҳнат кунига 7 сўмдан пул, 2,65 килограммдан дон тақсимланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтиришда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан кўрилган бошқа тадбирлар ҳам катта роль ўйнади. Правление аппаратидан 2 киши ва далачилик бригадаларидаги табельчилардан 5 киши қисқартирилди. Чилачилик, қурилиш бригадаларида ишловчи колхозчиларнинг ишламай юрган вақтларига меҳнат куни ёзишга хотима берилди.

Колхоз ишлаб чиқаришини тўғри ташкил этиш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш ва олинаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш йўлларини тўғри белгилашга биз қишлоқ хўжалик экономикасини қунт билан ўрганиш туфайли эришаётирмиз. Колхозимизнинг раҳбарлари район партия комитети ҳузурида қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш юзасидан ташкил этилган назарий семинарда қатнашмоқдалар.

Бу йил колхозда 220 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди. Бундан ташқари торқаторлаб экилган 220 гектар ерга ғўза эса машина билан ягана қилинаётир. Шундай қилиб бу йил 720 гектар ғўзанинг 440 гектарига трактор билан икки томонлама ишлов берилади. Бу ўз навбатида меҳнатни кам сарфлаб, мўл ҳосил олиш ва маҳсулотнинг таннархини янада камайтириш имкониятини беради.

Биз кўп ва арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида янги муваффақиятларга эришиш учун қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганишни зўр бериб давом эттирамиз.



«Тошкентстильмаш» заводида саноат экономикасини ўрганиш юзасидан ташкил қилинган назарий семинарнинг машғулотлари мунтазам ўтказиб турилмоқда. **Суратда:** семинар раҳбари **В. Пинский** (чапдан учинчи) старший технолог **Х. Каримов**, конструкторлардан **В. Мартинова** ва **М. Мирсоатов** ўртоқларга навбатдаги тема юзасидан консультация бермоқда.

В. Салов фотоси.



«Ташсельмаш» заводининг новатор токари ўртоқ **Е. Ҳошимов** участка наладчиги ўртоқ **З. Горельман** билан ҳамкорликда яримавтомат токарлик станогининг патронини деталларни ушлаб турувчи махсус мослама билан алмаштиришни таклиф қилди. Натижада деталларни ишлаш процесси тезлашиб, меҳнат унумдорлиги ошди. Агар илгарилари сменада 450—500 шпиндель ишланса, эндиликда 1000—1100 дона шпиндель тайёрланмоқда.

Суратда: Е. Ҳошимов иш устида.

В. Салов фотоси.

Техника пропагандасини яхшилаймиз

М. ХОРОШИЛОВА, темир йўлчилар Маданият саройининг директори

Партиямиз XX съезди қарорларини муваффақият билан амалга ошириш корхоналарнинг ишчилари ва инженер-техник ходимларидан саноат экономикасини чуқур билишни талаб қилади.

Шунга кўра, Тошкент темир йўлчилари Маданият саройи ҳузуридаги техника уйи сўнгги вақтларда темир йўлчилар ўртасида техника пропагандасини анча жонлантирди. Техника уйида тепловоз, вагон ва йўл хўжалиги, алоқа, рационализаторлик ҳамда ихтиропўччилик кабинетлари бор.

Техника уйида ташкил қилинадиган лекция ва суҳбатлар шу темага боғлиқ бўлган оммабоп-техника фильмлари кўрсатиш ҳамда тегишли кабинетда амалий машғулотлар ўтказиш билан қўшиб олиб борилади.

«Ҳаракат составидан яхши фойдаланиш йўллари», «Темир йўл транспортида техника прогресси», «Юк ортиш ва тушириш ишларини механизациялаш», «Пассажирларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш» каби темалардаги лекцияларни ишчилар ва мутахассислар зўр эътибор билан тингладилар.

Биз бундан кейин ҳам темир йўлчиларнинг техника билимларини ошириш ва техника пропагандасини кучайтириш юзасидан бирқанча тадбирларни амалга оширамиз.

Ишлаб чиқариш экономикасини пухта ўрганайлик

Ф. ЁҚУБОВ, Узбекистон КП Чирчиқ шаҳар комитетининг секретари

КПСС XX съезди партия ташкилотлари олдига саноатни янада юксалтиришни таъминлаш учун иқтисодий билимларни пропаганда қилишни кучайтириш вазифасини қўйди. Чунки кадрларимиз марксча-ленинча иқтисодий билимларни, саноат конкрет экономикасини билмасдан туриб корхоналарнинг ишини тўғри йўлга қўйишлари ва унга малакали раҳбарлик қилишлари мумкин эмас.

Шуни ҳисобга олиб, шаҳар партия комитети партия ва хўжалик ходимларининг иқтисодий билимини оширишга тобора кўпроқ эътибор бермоқда.

Чирчиқ электрохимия комбинати, «Чирчиксельмаш», «Средазиммаш» заводлари ва бошқа корхоналарда ўтган йилнинг ноябрь ойида конкрет экономикани ўрганиш юзасидан назарий семинар ташкил қилинган эди. Корхоналарнинг партия ташкилотлари семинар планини КПСС XX съезди қарорлари асосида қайта кўриб чиқдилар ва асосий эътиборни ишлаб чиқаришнинг энг муҳим масалаларини ўрганишга қаратдилар.

Электрохимия комбинатида ташкил қилинган семинарга инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 110 киши жалб этилган. Семинарнинг ўқиш планига «Химия саноатида техника прогресси», «Саноат маҳсулотининг таннархи ва уни камайтириш йўллари», «Иш ҳақи ва техник нормалаштириш» каби темалар киритилган.

Ҳар бир семинар машғулотини ўтказиш олдидан унга пухта тайёргарлик кўрилади. Масалан, «Саноат маҳсулотининг таннархи ва уни камайтириш йўллари» темасида машғулот ўтказиш олдидан шу темада лекциялар ташкил этилди. Партия кутубхонаси семинар қатнашчиларига тавсия этиладиган адабиётларни тайёрлади. Семинар қатнашчилари билан суҳбатлар ўтказилди ва улар учун консультация уюштирилди. Бу тадбирлар семинар машғулотининг жонли ва қизиқарли ўтишини таъминлади.

Машғулотда аввал семинар раҳбари ўрганилаётган тема юзасидан қисқа сўзлаб берди. Сўнгра қизғин суҳбат бошланди. Семинар қатнашчилари ўзларда ишлаётган участкаларнинг ишидан конкрет мисоллар келтириб, меҳнат унумдорлигини ошириш, материал ва энергия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқариш новаторларининг методини кенг қўлланиш йўли билан маҳсулотнинг таннархини камайтириш мумкинлиги ҳақида гапирдилар.

Саноат экономикасини ўрганиш семинарлари корхоналарнинг ишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Комбинат коллективи шу йилнинг январь ойида маҳсулот таннархини ўтган йилнинг январь ойидагига нисбатан 5,7 процент камайтиришга муваффақ бўлди. Шунингдек бу соҳада февраль, март ва апрель ойларида ҳам яхши натижаларга эришилди.

Комбинат партия ташкилоти кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, назарий семинар қатнашчиларининг доирасини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқди. Комбинатда цех ва бўлим бошлиқлари, мастерлар ва ишлаб чиқариш новаторлари учун алоҳида назарий семинар ташкил қилинди.

Кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш юзасидан кўрилган тадбирлар «Чирчиқэлсельмаш» заводида ҳам яхши натижалар бермоқда. Бу ерда ташкил қилинган назарий семинарда инженер ва техниклар, цех ва бўлим бошлиқлари, мастерлар ва ишлаб чиқариш новаторлари ўқимоқдалар.

Семинар планига «Саноатда техника прогресси», «Саноат корхоналарининг асосий фонди ва ишлаб чиқариш қуввати», «Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари» каби темалар киритилган.

Завод партия ташкилоти ҳузурида лекторлар группаси ташкил қилинган. Унга заводнинг бош технологи ўртоқ Вишневецкий раҳбарлик қилади.

Партия ташкилоти ҳар бир машғулот олдидан пухта тайёрлик кўрилишига, машғулотнинг завод ҳаёти билан тўғри боғлаб ўтказилишини, корхона фаолиятининг ўрганилаётган темага тааллуқли соҳаси чуқур ва атрофлича анализ қилинишини таъминлашга катта эътибор беради. Семинар машғулотлари тингловчиларнинг актив иштироки билан жонли ва қизиқарли ўтаётир.

Яқинда «Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари» темасида машғулот ўтказилди. Унда 1-механика цехининг бошлиғи Сафронов, завод ишлабчиқариш бошлиғи Риноберг, қуйиш цехининг экономисти Рудой ва бошқа ўртоқлар заводда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан қилинаётган ишларнинг аҳволини анализ қилдилар, цех ва бўлимларнинг ишидан мисоллар келтирдилар.

Заводда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича бешинчи беш йиллик план топшириқларини ошириб бажариш мақсадида 1960 йилга бориб ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1955 йилдагига нисбатан 220 процент, меҳнат унумдорлигини эса 158,3 процент ошириш мажбуриятини олди.

Аммо шаҳар партия комитети ҳали барча корхоналарда ҳам кадрларнинг иқтисодий билимини оширишнинг яхши йўлга қўйилишини таъминлаган, деб бўлмайди. «Электрощчит» заводининг партия ташкилоти (секретари ўртоқ Галкин) назарий семинар машғулотларининг мунтазам ўтишини таъминламаётир. Бу ерда машғулотни ўтказиш олдидан яхши тайёргарлик кўрилмайди. Натижада бундай машғулотлар жуда кам фойда бермоқда.

Ойна заводи, тикувчилик фабрикаси, 32-қурилиш трестига қарашли 225-УНР да эса саноат ва қурилиш экономикасини ўрганиш юзасидан назарий семинарлар ҳалигача ташкил қилингани йўқ.

Шаҳар партия комитети кадрларга иқтисодий билимларни ўргатишни ташкил қилиш соҳасидаги камчиликларга барҳам бериб, иқтисодий билимлар пропагандасини янада кучайтириш чораларини кўради.

Машғулотларимиз қизиқарли ўтмоқда

А. РАБИНОВИЧ, «Средазуголь» комбинатида ташкил этилган конкрет экономикани ўрганиш семинарининг раҳбари

Мен ўн йилдан буён партия маорифи шоҳобчасида пропагандист бўлиб ишлайман.

Ўтган йилнинг Октябрь ойидан бошлаб партия ташкилотининг топшириғига мувофиқ комбинатда конкрет экономикани ўрганиш юзасидан ташкил қилинган назарий семинарга раҳбарлик қилаётирман.

Одатда мен ҳар бир машғулотни ўтказиш олдидан пухта тайёрлик кўраман.

Шунингдек семинар қатнашчилари ҳам машғулотга яхши тайёрлик кўрадилар. Улар ўзлари ишлаётган участканинг ўтилаётган темага тааллуқли томонини кенг ўрганадилар, қўшимча адабиётларни ўқиб чиқадилар.

Машғулотда аввал тема юзасидан мен қисқача сўзлаб бераман. Сўнгра қизғин суҳбат бошланади. Комбинат, экономикасининг тема билан боғлиқ томони анализ қилинади. «Маҳсулот таннархини камайтириш йўллари», «Илғор иш методларини қенг ўрганиш ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланиш», «Кўмир разрезида ишни ташкил этиш» каби темалар юзасидан ўтказилган машғулотлар ана шундай юксак савияда ўтди ва яхши фойда берди.

Биз семинар машғулотларининг янада қизиқарли ўтиши ва кўпроқ фойда беришига ҳаракат қиламиз.

Андижонлик мусобақадошлар кўрсатган камчиликларни тезда тугатиб, дала ишлари суръатини кучайтирайлик!

☆ ☆ ☆

Мусобақадошларнинг эътирозларини ҳисобга олиш керак

Ўрта Чирчиқ районининг колхозчилари ва механизаторлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, районнинг илгариги шуҳратини тиклаш учун умумхалқ мусобақасига қўшилганлар. Бунинг учун район колхозларида катта имкониятлар мавжуд, ҳар иккала МТС кучли техникага эга. Район колхозлари экишни аввалги йилларга қараганда анча илгари тугалладилар.

Ҳозир мўл ҳосил учун курашнинг ҳал қилувчи пайти ўтаётир. Афсуски, район колхозларида ғўза парвариши кўнгилдагидек уюштирилмаган. Янгналаш, ғўзани биринчи парвариш қилиш суръати паст.

Мусобақадош Андижон область, Олтинкўл район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ М. Мирзааҳмедов бошчилигидаги ўзаро текшириш бригадаси район колхозларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан тузилган социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганини текширди. Мусобақадошлар айрим колхозларда ғўзанинг биринчи парвариши Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Янгналаш ва ғўзанинг биринчи парваришини тезда тугаллаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида кўрсатилганидек ўтказилмаётганини аниқладилар.

Масалан, М. Горький номли колхозда ҳанузгача ўқ ариқ чекқаларига, ер бурчакларига чигит экилмаган. Ўртоқ Эрмонов бошлиқ бригаданинг 140 гектар ери атрофига, ҳатто карта ўрталаридаги чигитни униб чиқмаган жойларга қўшимча чигит экиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Колхоз раҳбарлари чигитни ердан текис ундириб олиш ва ғўзанинг дастлабки парваришини қисқа муддатларда ўтказиш учун колхозчиларни сафарбар этмаганлар. Ўз вақтида чигит суви берилмаганидан қисман жойларда ҳалигача чигит униб чиққан эмас. Бунинг устига ягона сифатсиз ўтказилаётир. Ўртоқ Ҳамроев бошлиқ бригада 25 гектар ердаги ғўзани трактор билан ягона қилган-у, букетировкасини ташлаб қўйган. Бошқа бригадаларда ҳам шу аҳвол давом этаётир.

Маленков номли колхоз 600 гектар майдонинг ҳар гектаридан 19,2 центнердан пахта етиштириб, ҳосилни ўтган йилдагига нисбатан 8 центнердана ошириши керак. Шунга қарамай, колхозда мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун курош кучайтирилмаган. Колхозда бирор гектар ердаги ғўза букетировка ёки ягона қилинмагани ҳолда, колхоз раиси Ўртоқ Орифжоновнинг топшириғи билан «26 гектар ердаги ғўза ягона қилинди, 205 гектар майдондаги ғўза узунасига культивация қилинди» деб қалбаки сводка берилган.

Райондаги 2-МТС кам қувват колхозларда чигит экишни энг яхши муддатларда ўтказишни таъминламаган. Бу ҳол ғўза парваришининг кечикишига сабаб бўлмоқда. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» ва Маленков номли кам қувват колхозларда ғўза парвариши комплекс-механизациялаштирилиши планлаштирилган. Аммо МТС директцияси ўз бурчини бажармай, кам қувват колхозларга ҳаддан ташқари қониқарсиз хизмат қилмоқда. Маленков номли колхозга 13 универсал бириктирилган бўлса ҳам, ҳозир уларнинг ҳаммаси келтириб қўйилмаган. Ўртоқ Ўролбоев бригадасида 3 та тракторга ҳалигача культиватор ўрнатилмаган. Ғўза парваришини қизитиб юборадиган ҳозирги масъулиятли даврда «универсалчи йўқ» деб, битта чопиқ трактори 8 кундан бўён тўхтаб қўйилган. Ваҳоланки универсалчи Сарсенбоев бир неча кундан бўён ишга чиқмай бекор юрипти. Универсалчи Мехмонов эса бошқа колхозга юборилган. МТС директори Ўртоқ Акопян эса трактор ишларини яхши йўлга қўйиш, иш унумини ошириш тадбирларини кўриш ўрнига, колхозма-колхоз юриб, ишлаётган ва ишламаётган тракторларни рўйхат қилиш билан кифояланиб қолаяпти.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидаги тракторлар ҳам номигагина ишламоқда. МТС дирекцияси Ким Гафман бошлиқ трактор бригадасига 7 та чопиқ трактори учун график берган. Афсуски, бригадага қарашли 2 та чопиқ трактори ҳанузгача МТС базасидан чиққани йўқ. Бунинг устига механизмлар билан кўндалангига ягона қилинган майдонларни узунасига культивация қилмай, яна кўндалангига қайта-қайта культивация қилиб рақам кетидан қувилаётир. Бундай аҳвол 1-МТС зонасидаги колхозларда ҳам содир бўлмоқда. Карл Маркс номли колхозда 10 та универсал бўлатуриб, трактор культивацияси жуда секин бораётир. Колхозда аввал узунасига культивация қилиб, сўнгра ғўза механизмлар билан кўндалангига ягона қилинмоқда. Бунинг натижасида ғўза туплари тупроқ тегида кўмилиб, айримлари нобуд бўлаётир. Колхозда кўчат текис униб чиққан майдонлар жуда кўп. Шунга қарамасдан ғўза механизмлар билан ва қўлда букетировка ҳамда ягона қилинмаётир. Универсалчиларнинг культивация сифатига эътибор бермаётирлар. Универсалчи Маметов фақат 3 сантиметр чуқурликда культивация қилмоқда. 1-МТС ёнидаги бу колхозда юз бераётган бундай ачинарли аҳволдан МТС директори Пак ва бош агроном Югай ўртоқлар хабарсизлар.

Кўпчилик колхозларнинг раислари, шунингдек МТСларнинг раҳбарлари ва бош агрономлар ғўзаларни эрта муддатларда культивация қилиш, букетлаш, қатор оралариии узунаси ва кўндалангига ишлашда механизациянинг ҳал қилувчи роль ўйнашини эътиборга олмаётирлар. Шунинг учун ҳам Ўрта Чирчиқ райони колхозларида яганалаш, ғўзанинг биринчи парвариши кечиктирилаётир. Бу, мўл ҳосилга катта путур етказмоқда.

Мусобақадошлар колхозларда ғўзани дастлабки озиқлантириш ҳаддан ташқари кечикаётганини таъкидладилар. М. Горький номли, Хрущчев номли, Маленков номли; ҳатто пешқадам «Ленин йўли» колхозида ҳам ғўзани озиқлантиришга шу вақтгача киришилмаган. Бор-йўғи 465 гектар майдондаги ғўза озиқлантирилган. Айрим колхозларда минерал ўғит солинмасдан эгат олинмоқда. Бу, ишни кўпайтириб, ортиқча меҳнат сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Андижон районидаги Сталин номли колхознинг полеводи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ У. Турдиев «Ленин йўли» колхозида ягона сифатсиз ўтказилганини аниқлади. Бу колхозда ҳар бир уяда 3 ўрнига 4-6 тупдан кўчат қолдирилган.


Мусобақадошлар район колхозларида яганалаш, ғўзанинг дастлабки парваришини илғорлар тажрибаси асосида кучайтириб, йўл қўйилган нуқсонларни қисқа фурсат ичида бартараф қилиш учун қимматли маслаҳатлар бердилар. Ғўза парваришини мусобақадошларнинг маслаҳати асосида уюштириб, мажбуриятни таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун курашни ҳар тарафлама кучайтириш зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Уялардаги ғўзаларни тўғри букетлаш учун мослама

☆ ☆ ☆

Областимизнинг бир қатор колхозларида квадрат-уялаб чигит экилган ва қаторлаб экиб ғўзаси машина билан ягона қилинадиган майдонларда уялардаги ғўзаларни букетлаш учун махсус мосламадан фойдаланилмоқда. Бу мослама баландлиги 40 сантиметр ва кенглиги қатор ораларининг кенглигига қараб 40—50 сантиметрли иккита стойкалардан иборат бўлиб, уларнинг ўртасига 30-50 см узунликда каноп тортилади (расмга қаралсин).



Бу мослама билан уялардаги ғўзалар қандай букетланади?

Каноп тортилган иккала стойка икки қатордаги чигит экилган чизиқ устига қўйилади. Бунда каноплар уянинг қоқ ўртасидан ўтиши керак. Шундан кейин икки томонда бир бирига рўпара турган колхозчилар уялардаги ғўзаларни букетлайдилар. Улар каноп ўтган чизиққа қатъий риоя қилган ҳолда ортиқча ғўзаларни юлиб ташлаб, белгиланган миқдорда учта бақувват ўсимлик қолдирадилар. Агар каноп ўтган чизиқда етарлик сонда соғлом ғўзалар бўлмай қолса у ҳолда уя ўртасидан икки уч сантиметр оғишга йўл қўйилади.

Бу мосламадан фойдаланиш натижасида уялардаги ғўзаларни букетлашда ишлаётган колхозчилар меҳнат унумини анча оширадилар, шу билан бирга кейинги ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлашда қаторларнинг тўппа тўғри бўлиши ҳам таъмин этилади.

Ғўза парвариши авж олдирилаётир

Файзулла Дўсматов ва Жаббор Абдураҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш мақсадида ўзаро мусобақалашган эдилар. Ҳозир улар ана шу мусобақа шартларини оширб бажариш учун курашиб, бир текис ўсаётган ғўзаларни сифатли парвариш қилмоқдалар.

Ғўзаларни парвариш қилишда бригадаларнинг Сабохат Эшонқулова, Қаршигул Тошпўлатова, Ҳосият Алибоева, Қумри Асатова каби илғор аъзолари алоҳида ташаббус кўрсатиб ишлаётирлар.

Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхознинг ана шу ҳар иккала бригадаси ғўза парваришида барча бригадалардан олдинда бормоқда.

Шунингдек райондаги Куйбишев номли, «Победа» колхозларида ҳам ғўза парвариши кундан-кунга авж олдирилмоқда. Куйбишев номли колхозда хизмат қилаётган илғор механизаторлардан Ўзбек, Усмонов ўртоқлар ўз зиммаларига 1200 гектар ердаги ғўзани ишлаш мажбуриятини олганлар.

А. УРАЛОВ, М. АГАЛИЕВ,
Қ. ҚУРБОНБОЕВ, Н. ЭРГАШЕВ, Қ. НУРАЛИЕВ.

Мўл ҳосил учун курашмоқдалар

Бўка районидаги Хрущчев номли колхознинг фидокор аъзолари Партия ва Ҳукуматимизнинг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаатига жавобан қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида зўр ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

Колхоз аъзолари барча резервларни ишга солиб, ғўза парваришини тез суръат билан олиб бормоқдалар. Ҳозир колхознинг Аликул Раҳмонов, Абдулла Каримов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари мавжуд пахта майдонларидаги ғўзаларни икки томонлама культивация қилиб, биринчи чопиқдан чиқардилар. Ғўза қатор оралари культивация қилишда, СУЗ билан бир йўла дорилаб ҳам кетилмоқда. Ҳозир барча майдонлардаги ғўзаларнинг биринчи парвариши сифатли ўтди.

Ж. СУЛТОНОВ.

Илғор механизаторлар

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Стрижиков бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари пахта ҳосилини ошириш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар. Механизаторлар ғўзанинг дастлабки парваришини барвақт бошлаб юбордилар. Айниқса механизаторлардан Бегим Алибеков, Сотволди Матвалиев ўртоқлар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётирлар.

— Мен, — дейди механизатор ўртоқ Б. Алибеков, — 1100 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олганман. Ана шу сўзимнинг удасидан чиқиш учун дастлабки кунларданоқ ғайрат билан меҳнат қилиб, ҳозиргача 120 гектардан ортиқ ердаги ғўзани биринчи культивациядан чиқардим. Колхозда хизмат қилаётган ҳар бир механизатор 100 гектардан ортиқ ердаги ғўзани ишлаб берди.

Х. САГИЗОВ,
М. ИСАЕВ.

ТАСС баёноти

Ғарбий Германияда умумий ҳарбий мажбуриятни жорий қилиш тўғрисидаги қонун проекти бундестагда муҳокама қилинаётган муносабати билан Германия Федератив Республикасининг матбуот ва информация бўлими шу йил 3 майда ГФР ҳукуматининг Меморандумини эълон қилди. ГФР ҳукумати ана шу Меморандумида Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш соҳасидаги ва, жумладан, Ғарбий Германиянинг 500 минг кишилик армиясини вужудга келтириш соҳасидаги ўз талабларини асослашга уриниб, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати ҳақида душманлик ва провакациядан иборат уйдирмаларни ўйлаб чиқарган. ГФР ҳукумати ана шу Меморандумида масалан, «Федератив Республика ва унинг иттифоқчиларининг эркини турмуш тузуми хавф остида қолмоқда» ва Совет Иттифоқи «эркин дунёга ҳарбий куч билан таҳдид қилмоқда» деб даъво қилади. ГФР Меморандумида яна бундай дейилади: «Совет Иттифоқи раҳбар давлат арбобларининг сўзларидан маълум бўлишича, улар атом қуролини қўлланишдан ҳам қайтмайдилар... Совет ҳужуми тўсатдан ва гоят тезлик билан бўлиши мумкин. Бу ҳол қуролли кучларни жангга доим тайёр ҳолда сақлаш заруратини туғдиради».

ТАССга маълум бўлишича, Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари ГФР ҳукуматининг Меморандумида баён қилинган даъволари ССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсатига қабиҳ туҳматдан иборат, деб ҳисобламоқдалар. ГФР ҳукумати халқаро муносабатларда йўл қўйиб бўлмайдиган ана шундай усулларни қўлланиб, афтидан, Ғарбий Германияда ремилитаризация қилиш соҳасида қилинаётган тадбирларни немис жамоатчилиги олдида оқламоқчи бўлса керак.

Халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги интилиш ҳамма ерда кучайиб бораётган ва кўп мамлакатларда қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида бир битимга келиш учун чоралар кўрилаётган бир пайтда ГФР ҳукумати ғарбий герман армиясини тез суръатлар билан тузмоқда ва банкрот бўлган «зўравонлик қилиш сиёсати»ни ўз ташқи сиёсатида тутган йўлининг асоси сифатида қаттиқ туриб ҳимоя қилишни давом эттирмоқда. ГФР ҳукуматининг бундай йўли Европадаги вазиятни кескинлаштиришни очиқдан-очиқ кўзда тутади ва ҳал этиш пайти келган халқаро масалаларни ҳал этишни муқаррар суратда мушкуллаштиради. ГФР ҳукумати халқларнинг, шу жумладан, немис халқининг ҳам тинчликсевар интилишларига тамомила хилоф бўлган ана шундай сиёсатни оқлаш учун ҳеч қандай далилга эга бўлмай, ССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг чин моҳиятини бузиб кўрсатишга ва Ғарбий Германиядаги кенг жамоатчилик доираларини чалғитишга уринади. Маълумки, Ғарбий Германиядаги кенг жамоатчилик доиралари мамлакатнинг ремилитаризация қилинишига қарши чиқмоқдалар.

Аммо, Совет Иттифоқининг ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг ташаббуси билан халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишида кўпгина натижалар қўлга киритилган ҳозирги пайтда бундай тактика муваффақият қозонолмайди. Иккинчи томондан, «зўравонлик қилиш сиёсати» ва зўр бериб қуролланиш сиёсати эмас, балки халқаро кескинликни янада юмшатишга қаратилган сиёсат тинчликни ва Европа халқларининг хавфсизлигини таъминлай олишини тушунаётган кишилар барча мамлакатларда, шу жумладан, Ғарбий Германияда ҳам кўпайиб бормоқда.

„Социалистик Ўзбекистон" журналининг 5-сони

«Социалистик Ўзбекистон» журналининг май сони босилиб чиқди. Журналнинг бу сони «Рус тили», «Биринчи май» сарлавҳали мақолалар билан бошланган.

Бу сонда Е. Видонованинг «Май шеърлари», Т. Қамичевнинг «Янги ерда» сарлавҳали шеъри, Д. Полининнинг «Жановат баҳор» сарлавҳали фото очерки, «Медицина тарихида янги саҳифалар», «Ўзбекистонни радиолаштириш» сарлавҳали суҳбат мақолалар, «Шаргуньстрой», «Боғлар гуллаб яшнасин», «Ҳаво мотоцикли», «Транспорт ҳаракати қонунлари тарихидан» сарлавҳали редакцион мақолалар, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек санъат усталарининг Ҳиндистонга қилган сафарини тасвирловчи «Ҳиндистонли дўстлар» сарлавҳали хотиралари, А. Филипповнинг «Шанба куни...» сарлавҳали мақоласи ва бошқа кўпгина материаллар босилган. Журналнинг сатира ва юмор саҳифасида хитой халқ юмори рубрикаси остида Ли Синь-Гуй ёзиб олган «Помешчик қандай қилиб ўз уйидан ажралди» сарлавҳали юмористик ҳикоя, Ғанишернинг Хўжа Насриддин саргузаштларидан «Икки эшакнинг юки» сарлавҳали сатирик шеъри берилган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ИШЛАШ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ИИЛ 11 МАЙГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(процент ҳисоби билан)

Районларнинг номи	яганалаш	культивация		чопиқ	озиқлантириш	Маккажўхори экиш
		бўйига	кўндалангига			
Оққўрғон	30,5	43,6	71,1	22,4	0,6	51,2
Оҳангарон	7,3	3,6	39,1	14,1	—	78,0
Бўстондиқ	27,6	27,5	8,1	42,1	2,1	100,0
Боёвут	30,3	65,5	42,5	18,2	12,7	47,0
Бекобод	10,5	42,1	39,0	15,1	2,5	42,0
Бўка	20,6	48,6	50,2	32,5	2,1	45,0
Верхне-волинск	32,0	53,5	55,6	29,6	—	68,0
Юқори Чирчиқ	35,9	73,3	94,5	37,2	0,6	88,7
Гулистон	40,0	49,8	57,3	18,0	3,1	67,5
Калинин	25,8	38,5	21,0	24,7	—	92,7
Қорасув	—	—	—	—	—	88,4
Мирзачўл	51,6	38,0	67,4	34,0	—	74,0
Қуйи Чирчиқ	—	—	—	—	—	100,4
Октябрь	20,9	36,2	72,1	14,2	0,8	54,4
Оржоникидзе	38,6	83,9	33,2	27,2	2,3	101,0
Паркент	—	—	—	—	—	96,9
Пискент	26,5	30,9	83,8	37,6	4,3	44,0
Ўрта Чирчиқ	25,3	41,4	86,9	26,6	6,8	51,0
Сирдарё	32,4	47,8	64,3	23,4	—	66,4
Тошкент	—	—	—	—	—	44,8
Ўрта Сарой	60,5	80,3	98,7	16,6	1,0	91,6
Ховос	—	—	—	—	—	128,6
Чиноз	44,0	46,7	82,0	17,5	1,6	78,0
Янгийўл	58,0	56,1	100,0	16,5	15,6	56,7

Мирзачўлнинг истиқболи

ОЧЕРК

Мотор бир текисда харсиллайди. Спидометрнинг стрелкаси рақамдан рақамга ўтиб, 60,... 70,... 80 ни кўрсатади. Ҳаво ойнасига оппанг қор ёпишган. Ойнанинг ташқи томонидаги қор қатлами ҳам, ичкари томонидаги қор қатлами ҳам ҳар километрда қалинлашиб боради

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИГА БАРАВАР ҲАҚ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛИГИГА ДОИР

1956 йил 4 апрелда СССР Олий Совети Президиуми бир хил меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга баравар ҳақ тўлаш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни ратификация қилди.

Бу конвенция Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) нинг конвенцияларидан биридир. Ҳозирги вақтда бир қанча мамлакатларда меҳнатга ҳақ тўлаш масаласида жинсига қараб камситиш давом эттирилаётганлиги сабабли ана шу конвенция қабул қилинган эди. Кўпгина мамлакатларда хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда меҳнат қилганлари ҳолда уларга эркаклар меҳнатига тўланганидан кўра анча кам ҳақ тўланмоқда. Конвенцияга мувофиқ, давлатлар бир хил меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга баровар ҳақ тўлаш принципини барча меҳнаткашларга нисбатан қўлланишини рағбатлантиришлари ва бу принципнинг амалга оширилишини таъминлашлари лозим.

Яқинда СССРнинг Швейцариядаги Элчиси П. И. Ершов СССР Олий Совети Президиумининг ана шу конвенцияни ратификация қилганлиги тўғрисидаги ёрлиқни халқаро меҳнат ташкилотининг бош директори Д. Морсга топширди.

Маълум бўлишича, ХМТнинг бош директори 5 майда СССР Элчиси номига юборган мактубида ратификация қилинган ёрлиқ рўйхатга олинганлигини билдириб, қуйидагиларни ёзади: «Мен шунга аминманки, Халқаро меҳнат конференцияси ана шу муҳим конвенцияни ратификация қилишни таъминлаш учун СССР Ҳукумати томонидан кўрилган тадбирларга юксак баҳо беради. Сизнинг мамлакатингиз бу муҳим конвенцияни биринчи бўлиб ратификация қилди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Халқаро меҳнат ташкилоти ишига эътибор билан қараётганлиги учун самимий ташаккуримни Сизнинг Ҳукуматингизга маълум қилсангиз, Сиздан миннатдор бўлур эдим». (ТАСС).

Руминия ҳукуматининг составида ўзгаришлар

БУХАРЕСТ, 10 май. (ТАСС). Руминия Халқ Республикаси Буюк миллат мажлисининг президиуми Горге Хосоуни қишлоқ хўжалик министри вазифасидан озод этиб, уни министрлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинлади. Қишлоқ хўжалик министри қилиб Марин Станку тайинланди.

Министрлар совети раисининг ўринбосари ва Госплан раиси Александру Бирладяну Госплан раиси вазифасидан озод қилинди. Госплан раиси қилиб Георге Гастон Марин тайинланди.

Буюк миллат мажлиси президиумининг Фармонига мувофиқ, Думитру Петреску Руминия Халқ Республикаси министрлар совети раисининг ўринбосарлиги вазифасидан олинган.

Венгрия министрлар советининг қарорлари

БУДАПЕШТ, 10 май. (ТАСС). Венгрия Министрлар совети меҳнат тўғрисидаги қонунлар тўпламига бирқанча ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди ҳамда айни бир вақтда саноат корхоналари директорларининг ҳуқуқларини анча кенгайтирди. Министрлар совети барча йирик саноат корхоналарида малакани ошириш махсус курслари ташкил қилиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. Бу курсларда ишчилар янги технология билан, рационализаторларнинг таклифлари билан танишадилар ҳамда ишлаб чиқариш назариясини ўрганадилар.

Совет-Венгрия илмий-техника ҳамкорлиги комиссиясининг еттинчи сессияси тўғрисида ахборот

СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида илмий техника ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимга мувофиқ шу йил апрель ойининг охирида — май ойининг бошларида Москвада Совет-Венгрия Илмий техника ҳамкорлиги комиссиясининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Совет-Венгрия Комиссияси иккала мамлакат ўртасидаги илмий техника ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган бирқанча қарорлар қабул қилди.

Сессия қарорида СССР ва Венгриянинг илмий муассасалари ўртасида бир-бирларига илмий ходимлар юбориб туриш, илмий асарларни айирбошлаш, фан ва техниканинг энг муҳим проблемалари юзасидан биргаликда кенгашлар ўтказиб туриш йўли билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилади.

Совет ва Венгрия илмий ходимлари 1956 йилда иккала мамлакатдаги илмий-текшириш муассасалари томонидан кўмир саноати, станоксозлик, электротехника, ёғочсозлик, қурилиш, химия, палеонтология, этнография ва антропология соҳасида олиб борилаётган ишлар билан ўзаро танишиб чиқадилар.

Имзоланган протоколга мувофиқ, совет ташкилотлари Венгрия мутахассисларини қизиқтираётган техника ҳужжатларини: сульфо кўмирларни текшириш соҳасидаги материалларни, саноат ускуналари, ёқилғи аппаратураси ишлаб чиқариш учун тайёрланган иш чертёжларини, шунингдек саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш масалаларига доир бошқа ҳужжатларни Венгрияга бердилар.

Тегишли совет ташкилотлари Венгрия мутахассисларини энергетика, кўмир чиқариш, радио техника, қуюв иши, қурилиш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган илмий техника муваффақиятлари билан таништирадилар.

Венгрия Халқ Республикаси электровозлар, тепловозлар ишлаб чиқариш, металлургия ускуналарининг айрим турларини ишлаб чиқариш соҳасидаги техника ҳужжатларини ва ахборотларини Совет Иттифоқига беради, шунингдек совет мутахассисларини Венгрия саноати, транспорти ва қишлоқ хўжалигининг бирқанча тармоқларидаги илмий техника муваффақиятлари билан таништиради.

Сессия даврида Венгрия олимлари Венгриядаги янги техника ва люминесцен лампалар ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технология масалалари тўғрисида ҳамда тоғлиқ шароитларида ишлайдиган дизелли автомобиллар конструкцияси соҳасидаги муваффақиятлар ҳақида ва темир йўлларни саноат частотасидаги бир фазали ток билан электрлаштириш соҳасидаги муваффақиятлар тўғрисида докладлар қилдилар.

Еттинчи сессиянинг иши дўстона ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Комиссиядаги Венгрия қисмининг аъзолари Совет Иттифоқида бўлган вақтларида Москва ва Ленинграддаги бир қанча саноат корхоналарининг ва илмий оқартув муассасаларининг муваффақиятлари билан танишиб чиқдилар.

У. Черчилльнинг Аахенда сўзлаган нутқи

ЛОНДОН, 10 май. (ТАСС). Буюк Британиянинг собиқ бош министри Уинстон Черчилль бугун Аахенда (Ғарбий Германия) нутқ сўзлади. У «Европа бирлиги» ишига қўшган ҳиссаси учун «Буюк Карл мукофоти»ни олиш учун бу ерга келган эди.

Агентликнинг хабаридан маълум бўлишича, Черчилль «Европа бирлиги», Шимолий атлантик блоки ва Германияни қайта бирлаштириш проблемаларига кўпроқ эътибор берган. Черчилль НАТОнинг вужудга келтирилишини оқлаб кўрсатишга уринган ва ана шу ҳарбий ташкилотнинг «барча муваффақиятлари»га юксак баҳо берган. Шу билан бирга у ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари амалга ошираётган сиёсат муносабати билан НАТОнинг советларга қарши йўл тутиши учун ҳеч қандай асос қолмаганлигини ҳақиқатда эътироф этган.

«Мен,—деган Черчилль,—шундай вазиятда ҳеч Россиянинг ана шу тантанали битим (НАТО)нинг руҳига қўшилмаслигига бирор сабаб бор деб билмайман. Россиянинг ўз территориясининг хавфсизлигини чет эл ҳужумидан сақлаш учун қилаётган ҳаракатларининг роят чуқур ва самимий эканлигини тушунмоғимиз керак. Россия чинакам Европа бирлигининг иштирокчиси бўлмоғи керак».

Черчилль сўзини давом эттириб бундай деган: «Агар биз Европа бирлиги проблемасини (Германияни қайтадан бирлаштириш бу проблеманинг энг муҳим қисмидир) қандай бўлмасин зўрлик йўли билан ҳал этишга уринадиган бўлсак, у ҳолда пала-партиш иш кўрган ва бировларнинг таъналарига қолган бўлур эдик. Биз зўравонлик қилишга йўл қўймаслигимиз керак».

НАТОни «Европа бирлиги йўлидаги прогрессинг бирдан-бир ва абсолют амалий ифодаси» деб ҳисобламаганлигини айтиб ва «Европа давлатларининг Канада ҳамда АҚШ билан боғланган буюк иттифоқи» катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Черчилль бундай деган: «Мен Россияни ва Шарқий Европа давлатларини ана шу шартномадан четда қолдирмаслик керак, деб яна такрорлайман. Шундай қизғанишимизда, бизни ташвишлантираётган катта проблемаларни — Германияни қайтадан бирлаштириш ана шу муҳим проблемаларнинг биридир — бир-бирига шубҳа ва душманлик билан қараётган ва бир-бирлари билан рақобат қилаётган блоклар ҳал эта олганидан кўра, осонроқ ҳал этиш тамомила мумкин бўлади».

ЮФХР президенти кабинетининг ахбороти

БЕЛГРАД, 10 май, (ТАСС). «Борба» газетаси Югославия президенти кабинетининг ахборотини эълон қилди. Ахборотда айтилишича, Иосип Броз Тито ва унинг рафиқаси Греция короли Павелнинг ва қиролича Фредериканинг Корфу оролига келиш ва бу ерда бир неча кун бўлиш тўғрисидаги таклифини қабул қилганлар.

«Интурист» билан Миср туристлик ташкилотлари ўртасидаги музокаралар

ҚОҲИРА, 10 май. (ТАСС). Бутуниттифоқ «Интурист» акцияли жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Б. И. Харченко ва «Интурист» жамиятининг ходими В. М. Зикеев 24 апрелдан 10 майгача Миср бўлдилар. Улар Мисрдаги туристлик ташкилотлари билан амалий алоқалар ўрнатиш учун бу ерга келган эдилар. «Интурист» вакиллари Миср республикаси миллий раҳбарлик министрлигининг туризм ишлари департаменти директори Рашод Мурод билан, шунингдек Миср миллий туристлик компанияси «Миср» раҳбарлари билан учрашиб, совет туристларининг Мисрга ва Миср туристларининг Совет Иттифоқига сафарларини уюштириш тўғрисидаги масалани улар билан биргаликда муҳокама қилдилар. Муваффақиятли тамом бўлган музокаралар натижасида совет туристларининг Мисрга ва Миср туристларининг Совет Иттифоқига боришлари тўғрисида «Интурист» билан «Миср» компанияси ўртасида битим тузилди. Миср туризм ишлари департаменти ҳар иккала мамлакат ўртасида туризмни ривожлантиришга ҳартомонлама ёрдам бериши тўғрисида баъмаслаҳат бир қарорга келинди.

Б. И. Харченко ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида айтики, мисрликлар Совет Иттифоқи билан туристлар айирбошлашга роят қизиқмоқдалар. Миср ва Совет Иттифоқи бўйича турист маршрутлари тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ Миср туристларининг Совет Иттифоқига келишлари ва совет туристларининг Мисрга боришлари кутилади.

Б. И. Харченко ва В. М. Зикеев Совет Иттифоқи билан Сурия ва Ливан ўртасида бир-бирларига туристлар юбориб туриш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун ана шу мамлакатларга жўнаб кетдилар.

Франция Тунис муносабатлари

ПАРИЖ, 10 май. (ТАСС). Франция ҳукуматининг бошлиғи Ги Молленинг таклифига мувофиқ, Тунис Министрлар советининг раиси Бургиба Парижга келди. У кеча кечқурун Франс Пресс агентлигининг вакилига Ги Молле билан олиб борадиган музокараларимдан кузатилган мақсад «Тунис мустақиллиги» деган гапни конкретлаштиришдан иборат бўлади, деди.

Англия Тунис билан Марокашнинг мустақиллигини таниди

Англия ташқи ишлар министрлиги вакилининг баёноти

ЛОНДОН, 10 май. (ТАСС). Рейтер агентлиги билдиради: Англия ташқи ишлар министрлигининг вакили бугун Англия ҳукумати Тунис билан Марокашнинг мустақиллиги ҳамда суверенитетини таниди, деди. Ташқи ишлар министрлиги вакилининг айтишича, Англия билан ана шу давлатлар яқин орада бир-бирларига дипломатия вакилларини юборадилар.

ҒОЛИБЛАР МАРШИ

А. Пўлат шеъри — *Т. Содиқов музикаси*

Tempo di marcia

Ташаккур, қаҳрамон Советлар халқи,
Сен билан яшнайди фаровон диёр.
Ташаккур, партия, абадий болқи,
Байроғинг остида халқлар бахтиёр.

Нақорат:

Коммунистик партия, улуғ партия,
Йўлинг зафарларга тўлуғ, партия!

Покиза қалблардан ҳайқириб учар
Эллар тинчлигини ёқлаган овоз.
Сафимиз урушнинг йўлини тўсар,
Тинчлик посбонидир партия-устоз

Нақорат:

Коммунистик партия, улуғ партия,
Йўлинг зафарларга тўлуғ, партия!

„Постда“ газетасининг 25 йиллиги

1931 йил 12 майда республика милиция газетаси «Постда»нинг биринчи сони босилиб чиқди.

Газета редакцияси шу кунларда милиция ходимларидан жуда кўп хатлар олмоқда. Бу хатларда газетанинг милиция шахсий составини тарбиялашдаги роли ва жамоат тартибини бузувчиларга ҳамда жиноятчиларга қарши курашда катта иш қилаётганлиги таъкидланади.

—Газетанинг 25 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, биз унинг чорак аср давомида босиб ўтган шонли йўли билан фахрланамиз,—дейди кекса милиция ходими, пенсионер Қўшоқ Ёқубов, — газета милиция иши усталарининг илғор тажрибаларини кенг ёйиш соҳасида, ёшларни ўз бурчини ҳалоллик билан бажариш, ҳушёрлик руҳида тарбиялаш йўлида катта ишлар қилди. У милиция ходимларини ҳалол меҳнат қилишга ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишга даъват қилди.

«Правда Востока», «Комсомолец Узбекистана», «Ёш Ленинчи», «Қизил Ўзбекистон» ва «Радянский милиционер» (Украина ССР), «Милицейский работник» (Литва ССР) каби бир қанча республика газеталаридан, Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзидан ва бошқа ташкилотлардан ҳам табрик телеграммалари олинди.

Бугун 25 йиллик муносабати билан «Постда» газетасининг мукофоти учун спорт эстафетаси ўтказилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РУС САНЪАТИНИНГ ХАЗИНАСИ

(Давлат Третьяков галереясининг 100 йиллиги муносабати билан).

Давлат Третьяков галереяси тўпланган санъат асарларининг ноёблиги, уникал тасвирий санъат асарларига бойлиги билан Совет Иттифоқидагина эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам кўзга кўринган музейлардан биридир.

Галереяга бундан роса юз йил муқаддам ўз даврининг илғор кишиси Павел Михайлович Третьяков (1832—1898) асос солган эди. У 1856 йил 12 майда Н. Г. Шильдернинг «Васваса» ва В. Г. Худяковнинг «Фан контрабандистлари» билан тўқнашув» расмларини сотиб олади— шу кун галереяга асос солинган кундир. Дастлабки бу икки расм ўша давр учун янгилик бўлган тасвирий санъат жанри темасига оид бўлиб, даврнинг илғор фикрларини талқин қилган эди. Шунинг ўзиёқ Третьяковнинг юксак бадиий дидли, илғор фикрли киши эканидан далолат беради.

Дастлаб замондош санъаткорларнинг энг яхши асарларигина тўплайбошлаган Третьяков кейинчалик ўз коллекциясини XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида яратилган санъат асарлари билан, шунингдек, қадимги рус маданиятига оид асарлар билан бойитади. 70-йилларга келиб галерея учун махсус бино қурдиради ва рус миллий музейи яратиш орзусига эришади. 80-йиллар охирига келиб, у ўзи тўплаган асарларга акаси С. М. Третьяковнинг коллекциясини қўшиб, 1892 йилда бутун галереяни Москвага тортиқ қилади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг галерея тарихида янги давр бошланди. 1918 йил 3 июнда В. И. Ленин галереяни национализация қилиш ҳақидаги декретга қўл қўйди. Галереяни тўпланган кишининг хизматларини юксак тақдирлаб, шунингдек музейнинг умумхалқ ва умум давлат аҳамиятига эга эканлигини ҳисобга олиб, унга Давлат Третьяков галереяси номи берилди.

Галереянинг уч зали XI—XVII асрларга оид қадимги рус маданияти ёдгорликлари билан банд. Заллардаги Андрей Рублев, Дионисий, Симон Ўшаков ва бошқаларнинг тасвирий санъатга оид асарлари орқали рус санъатининг ўша қадимги даврдаёқ нақадар юксакликка кўтарилгани, XVII асрга келиб рус санъаткорлари асарларида реализм тенденциялари тобора кўпроқ ўрин ола боргани ва санъатда портрет жанри тараққий эта боргани билан танишиш мумкин.

XVIII аср рус тасвирий санъати асосан портрет жанри билан машқурдир. А. П. Антропов (1716—1795) ўз асарларида реал борлиқни мумкин қадар ҳаққоний акс эттиришга интилган бўлса, Ф. С. Рокотов (1730—1808) яратган портретларда бадиий ҳақиқатга интилиш бор. У образнинг гўзаллигини унинг ташқи қиёфаси, ҳашамдор либосларидан эмас, балки кўз қараашлари ва чеҳрасига тепиб турган ички, маънавий дунёсидан ахтаради.

XIX аср биринчи ярмидаги рус санъатига оид асарлар ҳам галерея залларидан муносиб ўрин олган. Шу давр тасвирий санъатининг дастлабки вакили О. А. Кипренский (1783—1830) рус портретчилигини миллий традициясини янги тарихий шароитда ривожлантирди ва даврнинг илғор ғоялари билан суғорди. Унинг юксак лафос ва қаҳрамонлик туйғуларини ўзида акс эттирган қатор портретлари, шу жумладан «Пушкин» портрети ўша давр учун ғоят характерлидир.

Рус тасвирий санъатида реалистик маиший жанрнинг асосчиси А. Г. Венецианов мана шу даврда яшаб ижод этди. Унинг қишлоқ ҳаётидан олиб ёзилган «Шудгорда баҳор», «Ўрим-йиғимда ёз» асарлари рус деҳқонларининг аянчли аҳволини ва айниқса, эрлари билан баравар азоб чекадиган рус аёлларининг машаққатли меҳнатини акс эттирган. «Помпейларнинг охирги куни» картинаси билан ўша даврдаёқ рус санъати шуҳратини бутун дунёга таратган К. П. Брюллов (1789—1852) ва талантли санъаткор А. А. Иванов (1806—1858) ларнинг катта-кичик асарлари учун музейнинг алоҳида кенг зали ажратилган.

XIX асрнинг II ярмига келиб рус санъати ва маданиятида реализм янада ривожланди, гуллади; мамлакатда йилдан-йилга кучайиб бораётган революцион демократик ҳаракат тўлқинларидан баҳраманд бўлган рус адабиёти ва санъати янги босқичга кўтарилди.

60-йиллардаги ғоявий реализмнинг асосчиси В. Г. Перовнинг (1833—1882) «Деҳқонни дафн этиш», «Чўкиб ўлган аёл», «Москвадаги меҳмонхона», Г. Г. Мясоедовнинг «Земство овқатланмоқда», В. М. Максимов ва В. Е. Маковскийларнинг «Жўдугарнинг тўйга келиши» ва «Доктор қабулхонасида», Н. А. Ярошенконинг «Тўлоқ», машҳур рус баталисти В. Верешчагининг ва тарихий темалардаги асарлари билан шуҳрат қозонган Н. Н. Генинг расмлари — буларнинг ҳар қайсиси тарихий ҳужжат аҳамиятига эга бўлган қиммат баҳо ёдгорликлардир.

И. Н. Крамской (1837—1887) нинг «Номаълум аёл» деган машҳур портретини ким билмайди дейсиз? Крамскойнинг «Оғир қайғу» расмидаги мотам либоси кийган аёл ҳолатини, унинг бир нуқтага тикилган ва оғзига дастрўмолчасини босган ҳолда таскин бериб бўлмайдиган чексиз кулфатини ифода этишдаги маҳоратини таърифлашга қалам ожиз.

XIX асрнинг машҳур романтик-мариниси И. И. Айвазовский (1817—1900)нинг «Камалак», «Қора денгиз», А. И. Шишкин (1831—1898)нинг «Қарағай ўрмонида тонг», «Жавдари», А. К. Саврасов (1837—1897)нинг ижодидаги рус баҳорини куйловчи полотнолар, И. И. Левитан (1861—1900) нинг чуқур лиризм билан суғорилган ва юксак пафос билан ишланган асарларини, рус пейзажининг Ф. А. Васильев ва К. А. Куинджи (1842—1910) каби уста санъаткорларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Галерея залларига қўйилган Репин, Суриков, В. Военецов, Левитан ва Серов асарлари музейнинг ҳам, тасвирий санъатнинг ҳам ифтихоридир.

Тасвирий санъат соҳасида зўр қобилият ва катта ижодий темпераментга эга бўлган И. Е. Репин (1841—1930) ўз асарларида социал қарама-қаршиликлар ва тўқнашувларга бой ҳаётдаги типик воқеаларнинг умумлашма образини яратди, тасвирий санъатнинг жанрли темасида ҳам («Бурлаклар», «Кутмаган эдилар»), портрет соҳасида ҳам («Пирогов», «Лев Толстой», «Мусоргский»), тарихий темада ҳам шох асарлар ижод этди.

Революциягача бўлган тасвирий санъатнинг сўнгги йирик вакили Репиннинг шогирди В. А. Серов (1866—1911) эди. Унинг дастлабки асарларидаёқ («Шафтоли артаётган қиз», «Қўён шуъласи ёритган қиз») бўёқларининг нақадар моҳирона ишлатилганлиги, расмнинг кўркамлиги, ёркинлилик, мусаффо ҳаво ва фон учун ишлатилган рангларнинг табиийлиги кишини мафтун этади.

Давлат Третьяков галереясига совет санъатининг ҳам энг яхши асарлари тўпланган. Музейнинг сўнгги 17 залига қўйилган асарлар орқали томошабин совет тасвирий санъати, графикаси ва скульптурасида социалистик реализм методининг шаклланиб ва мустаҳкамланиб бориш йўлларини кузатиши мумкин.

Совет тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлигининг пешқадам вакиллари А. М. Герасимов, С. В. Меркуров, В. И. Мухина, М. В. Нестеров (1862—1942), С. В. Малютин, Г. Г. Ряжский, В. П. Ефонов, П. И. Котов, Г. С. Верейский ва бошқалар ишлаган асарлар музей залларидан муносиб ўрин олган. Бу асарларда санъаткорларимиз совет кишисининг характери ва психологиясига хос янги томонларни, унинг бой ички дунёси ва маънавий гўзаллигини, совет кишисига хос янги идеалларни талқин этишга ҳаракат қилганлар.

Кундан-кунга ўзгариб бораётган мамлакатимиз қиёфаси, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик жамиятнинг улуғвор биносини қураётган одий совет кишилари илҳомбахш меҳнат темаси — урушдан сўнгги совет санъаткорларининг асосий ижод манбаи бўлиб қолмоқда. Бу давр асарлари учун ҳам галереянинг бир неча зали ажратилган.

Галереяни томоша қилиб чиқар экансиз, маънавий бойганингизни ва руҳий озиқланганингизни сезасиз, фикр доирангиз анча кенгайгандай ва бадиий дидингиз кўп даража ўсгандай туюлади, қалбингизни аллақандай ширин туйғулар чулғайди ва ўзингизни бахтли ҳис этасиз. Чиндан ҳам, юз йиллиги нишонланаётган Давлат Третьяков галереяси рус санъатининг бой хазинасигина эмас, балки совет кишиларини санъатнинг юксак савиядаги намуналари билан таништирувчи маърифат ўчоғи ҳамдир.

В. АБДУЛЛАЕВ.

Москва.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 12/V эрталаб соат 11 ва кундуз 3 да **Сўнгги пушаймон**, кечқурун **Гамлет**. 13/V эрталаб соат 11 ва кундуз 3 да **Оғриқ тишлар**, кечқурун **Гамлет**.

Ёзги бинода — 12 ва 13/V да **Холисхон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Уйқудаги гўзал**, 13/V да кундуз **Кўр ўғли**, кечқурун **Вертер**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V кундуз соат 12 да **Сурмахон**, соат 4 да **Катта концерт**, кеч 8 яримда **Сурмахон**, 13/V кундуз соат 12 да **Сингиллар қиссаси**, соат 4 да **Катта концерт**, кеч 8 яримда **Азиз ва Санам**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «РОДИНА» (кундуз), «ИСКРА» (кеч соат 8—20 минутгача) — **Денгиз чорлайди**.

«РОДИНА» — кечқурун **Амирликнинг емирилиши**.

НАВОИЙ номли — кундуз соат 1 гача, кеч соат 9 ва 10—50 минутда **Алишер Навоий**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 9 ва 11 да **Хазон қилинган умрлар**.

«ИСКРА» — кеч соат 8—20 минутдан **Юдит Бендич жинояти**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК» — **Денгиз чорлайди**.

«ВАТАН» — **Амирликнинг емирилиши**.

«ИСКРА» (темир йўлчилар парки)— **Ажойиб кунлардан бирида**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

(Ёзги театр)

12 ва 13 майда

КОНЦЕРТ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Тургунбоева**, Ўзбекистон халқ хофизи **Маъмуржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ғавҳар Раҳимова, Муҳамаджон Мирзаев**, эстрада солистлари **Муҳаббат Мусаева, Башират Ҳўжаева, Маҳмуд Муҳамедов** ва бошқалар қатнашади.

Концертлар кеч соат 9 да бошланади. Билетлар Пушкин номли парк кассасида кундуз соат 4 дан сотилади.

СССР Рангли металлургия министрлигига қарашли

«УЗБЕКГИПРОЦВЕТМЕТ»ГА

доимий ишлаш учун: **инженерлар, алоқачилар, қурувчилар-проект тузувчилар, архитекторлар, сантехникачилар, теплотехниклар, геодезистлар, газдан созловчи ва саноат вентиляциясига доир мутахассислар**

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 53-уй.

Флотская кўча, 12-уйда турувчи **Шавкат Орипович Содиқовнинг** Пролетар кўчаси, 28-уйда турувчи Лидия Александровна Содиқовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 2-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03741. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1433.